O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 3 март, № 43 (4958) Чоршанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## А. Р. Мараҳимовни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Авазжон Раҳимович Мараҳимов Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири лавозимига тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 2 март

## Қашқадарё:
# БУНЁДКОРЛИКДАН ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР



***Ҳаётимизнинг тўкис, турмушимизнинг фаровон бўлиши қишлоқларимизда умргузаронлик қилаётган юртдошларимизнинг заҳматли меҳнати билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, Президентимиз томонидан таъкидланганидек, “Она Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади”. Шу боис бугунги кунда қишлоқларимизни ободонлаштириш, бу ердаги ҳаёт даражасини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга олиб чиқишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.***

**Қарор ва ижро**

Натижада олис қишлоқ ва овуллар қиёфаси тубдан ўзгариб, бу ҳудудларда замонавий, барча қулайликларга эга тураржой бинолари, муҳташам иншоотлар қад ростлаяпти.

Бу борада Юртбошимиз томонидан ўтган йилнинг 3 августида имзоланиб, бугун ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этилаётган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Мазкур ҳужжат асосида Қашқадарёда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари айни кунда яққол кўзга ташланмоқда. Гап шундаки, Касби, Қамаши, Китоб, Ғузор ва Қарши туманларида “Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан тайёрланган бош лойиҳа асосида қад ростлаган 100 та хонадонга мўлжалланган намунавий тураржойлар қурилиши тугалланиб, айни пайтда ўз эгаларига топширилиш арафасида. Умумий қиймати 5 миллиард 686 миллион сўмга тенг бўлган бу уйлар яшаш учун қулайлиги, яратилган шарт-шароитлар шаҳарникидан асло қолишмаслиги қишлоқ аҳолисини қувонтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# БИЛИМ ВА ТАФАККУР ҚУДРАТИ

***Тошкент шаҳрида III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда.***

Таъкидлаш керакки, мазкур анъанавий тадбирга қизиқиш йил сайин кучайиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки ярмарка интеллектуал мулк яратувчилари ва уни амалиётга татбиқ этувчиларни бирдек рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Натижада кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ривожини таъминлайдиган кўплаб инновацион ишланмалар, замонавий технологиялар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинаяпти.

**Ярмарка**

Ярмарка юртимиз ёшларининг илмий фаолиятини шакллантириш, энг истеъдодлиларини юзага чиқаришга хизмат қилаётгани билан ҳам янада аҳамиятлидир. Буни жорий йилги иштирокчилар орасида ёш олимларнинг сафи анчайин кенгайганидан ҳам илғаш мумкин. Аниқроғи, III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олим ва иқтидорли талабаларнинг 80 дан ортиқ инновацион технологиялари қўйилган бўлиб, унинг 18 таси “Келажак овози” республика кўрик-танлови ғолибларининг ишланмасидир.

Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси бу гал саноат корхоналарига 36 та илмий ғоя, лойиҳа ва технологияни таклиф қилаётган бўлса, шунинг 6 таси талабаларнинг интеллектуал маҳсулоти ҳисобланади. Уларнинг барчаси ишлаб чиқаришга йўналтирилгани, айниқса, мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Булар янги матолар тайёрлашни ўзлаштириш, енгил ва тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имконини беради. Институт магистри Абдусалом Ғаниев томонидан яратилган технология бунга мисол бўла олади.

— Биз атлас, адрас ва беқасам тўқиш самарадорлигини оширишга мўлжалланган толани либитлаб ўраш машиналарининг такомиллаштирилган нусхасини яратдик, — дейди у. — Одатдаги машиналарда ипларнинг салқилиги матонинг сифатига салбий таъсир кўрсатар, ип газлама юзига чиқиб қолиб, унинг дағаллигини оширар эди. Таклиф этилаётган ишланмадан фойдаланилса, бундай ҳолатлар тўлиқ бартараф қилинади. Ипларнинг бир текис ўралиши, қалинлигининг ортиб кетмаслиги туфайли нафис ва сифатли газлама тўқишга эришилади.

Тошкент давлат аграр университетининг иқтидорли талабалари томонидан эса қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига қаратилган 22 та инновацион лойиҳа тақдим этилган. Жумладан, уларнинг замонавий географик ахборот технологияларини қўллаш орқали яратилган ишланмалари соҳа мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлаётир. Аспирант Вафобой Шерембетов муаллифлигидаги ишланма — шулардан бири.

(Давоми 2-бетда).

# САЙЛОВЧИ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

## ҳар бир депутат фаолиятининг мезони бўлиши керак

***Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.***

Унда, айниқса, ҳокимият вакиллик органининг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида танқидий баҳолаш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, сусткашлик ҳамда ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бериш ва айни пайтда уларнинг назорат-таҳлил фаолиятини янада жонлантириш каби масалалар алоҳида таъкидланган эди. Албатта, бундай юксак вазифаларни амалга ошириш учун халқ вакиллари, аввало, Конституция ва қонунларимизда белгилаб берилган ҳуқуқ-ваколатларини, бурчларини яхши билмоғи, уларни амалда қўллай олиши керак.

Бухоро шаҳрида ташкил қилинган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаоллигини оширишнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар-тренингда уларнинг айнан мана шу йўналишдаги билим ва кўникмалари бойитилди. Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Сенати Раиси ўринбосари М. Ражабова, Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И. Насриев, Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Ҳусенов Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил рўёбга чиқаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари шуғулланишлари зарур бўлган энг муҳим масалалар ҳақида фикр юритдилар.

**Тадбир**

Шунингдек, семинар-тренингда депутатларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг қонунлар ижросини таъминлашдаги ваколатлари, жамоатчилик назоратини таъминлашда депутатнинг иштироки кабилар ҳам муҳокама этилди.

Семинарнинг иккинчи кунида депутатлар маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари раҳбарлари секцияларида ўқувни давом эттирдилар.

Биз билан суҳбатда бўлган депутатларнинг аксарияти ушбу семинар-тренинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

— Мен илгари ҳам депутат сифатида фаолият кўрсатганман, — дейди халқ депутатлари Вобкент тумани Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси Бозор Рамазонов. — Мана шу тадбир давомида ўтган фаолиятимизда йўл қўйилган камчиликларни, нуқсонларни чуқур таҳлил қилиб кўрдим. Ҳуқуқ ва бурчларимиз, ваколатимизни янада яхшироқ англаб, истиқболдаги ишларимиз режасини пишитаяпман. Сир эмас, янги сайланган депутатнинг дилида тугиб қўйган ниятлари кўп. Энг асосийси эса сайловчи ишончини оқлашдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, сайловчидан олинган “насия”ни фақат ва фақат самарали фаолият билан қайтариш мумкин. Бунинг учун, табиийки, депутат ўз ҳуқуқи, ваколати, бурчини яхши билмоғи керак. Шундагина қўйилган мақсадга эришилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги тадбирнинг аҳамияти ғоятда катта.

— Депутат сифатида зиммамизда улкан масъулият турибди, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, халқ депутатлари вилоят Кенгаши Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси раиси Саид Раҳмонов. — Ўқув жараёнида берилган тавсия ва йўл-йўриқлар ишимиз самарасини оширади, албатта. Қолаверса, семинарда ўзимизни

(Давоми 2-бетда).

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Атиргул” танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# «АТИРГУЛ» ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш, иқтисодий, ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бу жиҳатлар миллий матбуотимизни ривожлантиришга доир эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шулар жумласидандир. Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Журналистлар уюшмаси қатор ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, ўқув семинар-машғулотларини мунтазам ташкил этиб келмоқда. Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилувчи “Атиргул” танлови ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Бу йилги танловда телерадиоканаллар, газета ва журналлар, интернет нашрларда меҳнат қилаётган эллик нафардан ортиқ журналист хотин-қиз мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш мавзуларидаги етти юздан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Уларнинг ўн икки нафари танловда ғолиб, деб топилди.

Ғолибалар орасида Республика Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси Дилфуза Абдуллаева, Наманган вилоятидаги «Аёл ва жамият» газетаси мухбири Шаҳзода Акбарова, «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири Шоҳиста Бозорова, Қорақалпоғистон телерадиоканали «Мусиқий дам олиш ва кинодастурлар» бош муҳарририяти муҳаррири Улболған Еримбетова, «Андижанская правда» газетаси бўлим мудири Лариса Капустина, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ёшлар студияси» лойиҳаси муҳаррири Назирахон Маҳсудова, «Паркент тонги» газетаси мухбири Дилфуза Миробидова, «Саодат» журнали жамоатчи мухбири Насиба Ризаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА фан, таълим, маданият ва маънавият бўлими мудири Назокат Усмонова, «Ёш куч» журнали мухбири Адолат Файзиева, Хоразм вилоятидаги «Тўмарис авлоди» газетаси муҳаррири Шарқия Эшжонова, «Оила ва жамият» газетасининг масъул котиби Дилфуза Қўзиева каби журналистлар бор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

# АЁЛНИ УЛУҒЛАМОҚ БАХТИ

***Аёл — ҳаёт чироғи, унинг манбаи, келажакнинг таянчидир. Буюк шоиримиз Алишер Навоий “Жаннат оналар оёғи остидадир” мазмунидаги ҳадисни шарҳлаб, уни янада тўлдириб қуйидаги мазмундаги фикрни айтганлар: “Жаннат равзасию боғлари оналар оёғи остидадир, лекин равзани кўрмоқ ва ундан баҳраманд бўлмоқ бахтига эришмоқни истар бўлсанг, оналар оёғи остида тупроқ бўлишни ихтиёр қил”. Чунки оналар ёмонликни ҳеч кимга раво кўришмайди, улар дунёни тугал ва мукаммал кўришни хоҳлайдилар, фарзандлари илмли, доно, зукко ва албатта, соғлом вояга етишини, одил ҳамда адолатли жамиятда умргузаронлик қилишини истайдилар. Болалари бошида алла айтганларида “Тинч ухла, тинчинг ҳеч қачон бузилмасин”, дея ният қиладилар. Демакки, ҳар бир гўдак туғилган хонадонда аёллар тинчлик ва хотиржамлик учун айтиладиган энг ёрқин, гўзал ва бетакрор тириклик қўшиғини куйлайдилар.***

Ўтмишимизни кўз ўнгимизда жонлантирганимизда, афсуски, армон ва алам бағримизни ўртайди. Қаҳрамон аёлларимиз Тўмарисдан тортиб, беназир шоираларимиз Нодираи даврон ва Увайсийгача бири кам дунёнинг қаттол, таҳликали, бесаранжом ва беқарор кунларидан азият чекиб, қалблари эзилиб дунёдан ўтганлар. Ёхуд чоризм даври, ҳуқуқсиз, иймон-эътиқоди топталган аёлларимизнинг қисмати, кейинчалик шўролар тузумининг оналаримизни қон йиғлатган қатағон йилларини эслайлик. Момоларимни соғинганимда (улар раҳматли бўлиб кетганлар), Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган Шаҳидлар хиёбонига, у ердаги музейга зиёратга бориб тураман. Биласизми, кўнглимда алланечук фиғон тўлғонади, аждодларимизнинг бошига тушган мусибатлар тоғ каби босгандай, гўёки уларнинг уйғоқ руҳлари “Нега биз яхши замонларда яшамадик?” дея надоматлар чекаётгандай туюлади, менга. Айниқса, музейдаги чоризм зулми авжига чиққан ўтган аср бошларида бобокалонларимизни Сибирга мажбурий мардикорликка жўнатишга қарши норозилик билдирган ва шу туфайли ҳибсга олинган бир гуруҳ тошкентлик аёлларнинг фотосурати ҳаяжонга солади. Бири-биридан чиройли, фариштали аёллар, аммо кўзлари маъюс, ўксик, ахир уларнинг суянган қўрғонлари — эрлари, ишонган қалқонлари — ўғлонлари ажал ўрмонларига олиб кетилмоқда. Бу қандай кўргилик, нақадар чуқур қайғу. Умуман, ўша ўтган даврлар фотосуратларига боқсангиз, унда муҳрланган кўзларда чексиз мунгни кўрасиз. Музейнинг энг сўнгги бўлимига кирсангиз, чеҳрангиз ёришади, юракдаги ғам ортга чекинади. Боиси, сиз Истиқлол йилларидаги кишиларнинг шоду хуррам қиёфалари, бунёдкорлик ва яратувчиликнинг улуғвор манзараларидан яйрайсиз. Истиқлолнинг муаллима, олима, шифокор аёллари, истеъдодли, солиҳа қизлари суратлари илиқлик ва кўтаринки руҳ бахш этади.

**Эҳтиром**

Зеро, аёл нафақат ўзи учун, балки болалари учун, уларнинг эртанги куни учун кўпроқ қайғуради. Бу туйғу унга Яратган томонидан ато этилган. Айнан мана шу туйғуни қадрлаш, айтиш жоизки, Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликларнинг бош мезони бўлди. Аввало, хотин-қизларнинг жамиятдаги муносиб ўрни белгилаб берилди, нуфузи, обрў-мавқеи оширилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бекаму кўст таъминлашга астойдил киришилди.

(Давоми 2-бетда).

КОРХОНАЛАР СОҒЛОМЛАШМОҚДА

## Бир рақам шарҳи



**2009** йилда тижорат банклари балансига ўтказилган

**70**

**та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди ва истиқболли сармоядорларга сотилди.**

***Шундай қилиб, Инқирозга қарши чоралар дастури асосида тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқламоқда.***

# Қашқадарё: БУНЁДКОРЛИКДАН ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йили Қарши тумани ҳудудидаги 30,6 гектар майдонда намунавий лойиҳа асосида дастлабки қишлоқ қурилишини бошлаган эдик. Лойиҳа бўйича Янги Хонобод номи берилган бу қишлоқда жами 251 та бир ва икки қаватли уй-жой, 315 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчасини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш мақсадида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаяпти. Айни пайтда бу ерда маҳалла гузари, спорт мажмуаси, ҳаммом, сартарошхона, дорихона сингари маиший иншоотлар ҳам бунёд этилаяпти.

Ғузорликлар тумандаги Қоракўмди қишлоғини шаҳарчага қиёслашмоқда. Нега деганда, миллий ва замонавий меъморий ечимлар уйғунлигида бунёд этилган мухташам ва мустаҳкам коттежлар, бу ердаги мукаммал инфратузилма ҳамда равон йўллар худди шаҳарни эслатади-да. Уй-жойларнинг ҳар бири 4 хонали бўлиб, 3 та ётоқхона, катта зал, ошхона, очиқ айвон ҳамда 6 сотихга тенг ҳовлиси мавжуд. Эътиборлиси, пишиқ ғиштдан тикланган ва энг замонавий қурилиш ашёлари билан зийнатланган бу коттежлар қишлоқ одамлари дидига тўла мос тушмоқда. Қолаверса, қурилиш-таъмирлаш ишларида ўзимизда ишлаб чиқарилган материаллар қўлланилаётгани иморатларнинг таннархи арзон бўлишини таъминлаяпти.

Бундай уйларга талабгорлар ниҳоятда кўп. Аҳолининг эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида қурилиш ишлари кўлами тобора кенгайтирилмоқда. Бу йил вилоятда 735 та ана шундай кўркам уй қуриш режалаштирилгани бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда еттита туманда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Янги уйларга эгалик қилишни хоҳловчилардан тушган 900 та ариза кўриб чиқилиб, расмийлаштирилмоқда. Шундан 480 таси аллақачон "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят бўлими билан кредит учун шартнома тузиб, 25 фоиз бадал тўловини амалга оширишга ҳам улгургани эътиборга молик жиҳатдир.

Биз қураётган уй-жойларнинг аҳолига манзур бўлаётгани бежиз эмас. Энг аввало, бу уйлар меъморчилик нуқтаи назаридан жуда гўзал, қурилиш технологияси жиҳатидан намунали. Улар ўтган йили "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасида мутахассислар томонидан юқори баҳоланган лойиҳаларга мувофиқ бунёд этилаяпти. Шу билан бирга, уларнинг таннархи фуқароларнинг ўзлари қурганидан камида 20 фоиз арзон. Сабаби, давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар туфайли қурилиш материаллари бозор нархига нисбатан 1,5-2 баравар арзонга олинаяпти. Қурилишда қатнашаётган пудратчи ташкилотларнинг солиқ тўловида ҳам имтиёзлар берилгани бу жараёнда қўшимча имкониятлар яратмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, янги қишлоқлардаги инфратузилмалар — йўл, сув, табиий газ, электр энергияси тармоқлари маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан барпо этилаяпти. Бу имтиёз ва қулайликларни уй-жойга эҳтиёжманд кишилар кўриб, билиб туришибди. Яратилган бундай қулайликлар самараси ўлароқ, қишлоқда қурилиш ишларини бажарувчи пудратчи ташкилотлар ҳам кўпайиб бормоқда. Ўтган йили 5 та қурилиш корхонаси билан ишлаган бўлсак, бу йил уларнинг сони 29 тага етди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қурилиш ишлари кўлами тобора кенгайиб, юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бу эса, табиийки, Ватан тараққиёти, эл-юрт ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади. Ушбу хайрли юмушга муносиб ҳисса қўшаётган жамоамизнинг мақсади битта: қишлоқ аҳли учун шаҳарникидан асло қолишмайдиган замонавий, кўркам ва қулай уй-жойлар қуриш.

**У. АЗИЗОВ,**
**«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Қашқадарё филиали директори,**
**Ф. БОЗОРОВ,**
**журналист.**

**СУРАТЛАРДА:** Қарши туманининг Янги Хонобод қишлоғидаги бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

**Б. АКРАМОВ олган суратлар.**

# САЙЛОВЧИ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

## ҳар бир депутат фаолиятининг мезони бўлиши керак

(Давоми. Боши 1-бетда).

қизиқтирган кўплаб саволларга тўлақонли жавоб олдик. Бир сўз билан айтганда, тадбир парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш асносида тажриба ва малакамизни оширишга хизмат қилди.

— Президентимиз қўшма мажлисдаги маърузасида партия депутатлик гуруҳлари фаолияти бугунги давр талабларига мос бўлиши кераклигини алоҳида таъкидладилар, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Ахтам Исаев. — Дарҳақиқат, ҳокимиятнинг вакиллик органларида сиёсий партиялар фракцияларининг ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши бугунги ижтимоий-сиёсий жараённинг мантиқий талаби ҳамдир. Гарчи парламентимиз қуйи палатасида сиёсий партиялар фракциялари анча жонли иш олиб бораётган бўлса-да, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида сиёсий партиялар депутатлари гуруҳи фаолияти қониқарсиздир. Ваҳолонки, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи янада мустаҳкамлаб қўйилган. Семинар-тренингда мана шу имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза юритилгани фаолиятимизда асқотади, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АЁЛНИ УЛУҒЛАМОҚ БАХТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўш, аёл зотига нима керак? Аввало, эътибор, иззат ва эҳтиром. Кейинчи? Момоларимдан бири шундай деган эди: "Аёлнинг бахти — тинч, бахти кулар замон, қўли эм доя кампир, туппа-тузук мактаб, соғлиғу роҳат фароғат". Очиғи, ўшанда мен бу сўзларнинг нечоғли залворли ва аҳамиятли эканлигини тушунмаган эканман. Бугун қаранг, Истиқлолимиз меъмори, аввало, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлаб берди. Кўринадики, замоннинг тинчлиги барпо этилди, сўнг унинг тараққиётини, содда қилиб айтганда, саодат ва бахтининг мустаҳкам пойдевори — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари ишлаб чиқилди ҳамда муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этилди. Чунончи, инсон манфаатларининг бирламчи зарурий асоси — соғлиқни сақлаш тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Сўнгра Кадрлар тайёрлаш миллий дастури келажагимиз ворислари — баркамол авлоднинг маърифий ва маънавий юксалишига қаратилган тенгсиз, оламшумул чора-тадбирлар якунига етказилди.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий жабҳанинг барча йўналишларида аёл зотининг номи мағрур жаранглам оқда. Эндиликда депутатлар, сенаторлар, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, ном қозонган тадбиркорлар, педагоглар, илм аҳли орасида ҳам, санъат ва спорт, бошқа соҳаларда ҳам хотин-қизларнинг сони тобора ортиб бораётир. Улар жамиятимизнинг илғор ва етакчи аъзолари бўлиб шаклландилар, деб айтишимизга, ғурурланишимизга тўла асос бор. Бу ҳол рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат, бугуннинг ва шак-шубҳасиз, эртанги куннинг ҳам ҳақиқатидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йилда барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан зиёд бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом ўсиши баробарида, замонавий интеллектуал билимларга эга бўлишлари, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун қабул қилинган кенг кўламли "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси учун 8 триллион сўм атрофида маблағ ажратилиши кўзда тутилгани, 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланаётгани келгусида қанчадан-қанча оналаримиз, опаларимиз, келинларимиз, сингилларимиз, қизларимиз қувончига қувонч қўшади.

Президентимиз "Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир", деган эдилар. Дарҳақиқат, оиламиз ҳаловати, Ватанимиз саодати, ҳаётимиз мазмуни аёл қалбидаги меҳрдан, мурувватдан, муҳаббатдан кўр олади. Улар борки, бизнинг қаддимиз тик, улар борки, келажагимиз бутун. Қолаверса, улар Истиқлол нуридан нурафшон юртнинг қадр-қиммати, ҳурмату иззати жойига қўйилган, номи шарафланган ва улуғланган саодатманд аёлларидир.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**шарҳловчи.**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Кеча Тошкент шаҳрида мамлакатимизда 2010 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва тизимдаги янгиликларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтимизда фаолият юритаётган етмишга яқин йирик корхоналар раҳбарлари ва бухгалтерлари иштирок этди.

Анжумандан кўзланган асосий мақсад солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги, хусусан, кейинги йилларда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда берилаётган солиқ имтиёзлари билан таништириш эди. Шу боис анжуман аввалида Молия вазирлиги ва қўмита мутахассисларининг солиққа тортиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг долзарб масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

**Анжуман**

Таъкидландики, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан солиқ сиёсати либераллаштирилиб, солиқ юки йил сайин камайтирилмоқда, солиққа тортиш тартиби соддалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, жорий йилда хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилгани бунинг исботидир. Натижада корхоналар ихтиёрида кўплаб миқдорда маблағ қолиб, у ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилмоқда.

Семинар доирасида иштирокчилар бухгалтерларнинг ишини енгиллаштириш мақсадида яратилган "БЭМ — бухгалтерларга электрон мадад" миллий дастурий маҳсулоти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**

***Юртбошимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, хусусан, темир йўлларни электрлаштириш, "Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйлаб тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.***

## Темир йўл транспорти:

# ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

Дарҳақиқат, бугунги кунда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК янги линияларни қуриш, мавжуд темир йўлларни электрлаштиришга бор имкониятларини сафарбар этмоқда. Ҳозиргача 114 километрлик "Тошкент (Тўқимачи) — Ангрен" темир йўлида электр симлари тортилди, 84 километрлик "Кучлук — Ангрен" линиясида электрлаштириш ишлари қизғин давом этаётир. "Тўқимачи — Ангрен" линиясини тўлиқ электрлаштиришни жорий йилнинг баҳор ойларида якунлаш кўзда тутилган.

**Жараён**

Маълумки, компаниянинг Электр таъминоти маркази мамлакатимиздаги умумий узунлиги 691 километрни ташкил этувчи электрлаштирилган темир йўлга хизмат кўрсатади. Унинг таркибида 869 дона тортиш ва трансформатор кичик станцияси, 6165 километрлик юқори вольтли ҳаво ва 409 километрлик кабель линиялари мавжуд.

— Ўтган йили марказимиз жамоаси томонидан катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш юмушлари амалга оширилди, — дейди Марказ катта тафтишчиси Улуғбек Солибоев. — Хусусан, Тошкент электрлаштирилган темир йўл тармоғидаги "Чуқурсой", "Ўзбекистон", "Келес" ҳамда "Назарбек" бекатларининг ёритқичлари "МГРО" русумли замонавий ва кам электр энергияси сарф қиладиган ёритқичларга алмаштирилди. "Марғилон", "Охунбобоев", "Қорақалпоқ", "Мискин", "Мароқанд" бекатлари, "Андижон-2" ва "Учқўрғон" участкаларида ҳам шундай ишлар бажарилди. "Бухоро — Навоий", "Бухоро — Қоровулбозор", "Қарши — Дашт", "Танхоз — Китоб", "Ҳазорасп — Боғот", "Қўнғирот" участкаларидаги ҳаво ўтказиш линияларида капитал таъмирлаш ишлари охирига етказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги вақтда компаниянинг электрлаштирилган участкалари республикамиз бўйича мавжуд темир йўллар умумий узунлигининг 15 фоизидан ортиғини ташкил этади. Шу кунгача "Тошкент — Ховос-Жиззах — Самарқанд — Мароқанд", "Тошкент — Хўжакент", "Тошкент — Келес", "Тошкент — Кучлук" йўналишлари тўлиқ электрлаштирилган бўлса, "Мароқанд — Бухоро", "Мароқанд — Қарши-Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" участкаларини ҳам босқичма-босқич электрлаштириш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда "Кучлук — Ангрен" линияси ўртасида жойлашган "Разъезд-135" кичик станциясида темир йўл ускуналарини ўрнатиш, янги бекат қуриш, боғловчи алоқаларни бошқариш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Темир йўл участкаларини замонавий тарзда электрлаштириш, табиийки, соҳанинг изчил ривожланишига хизмат қилади. Чунки электрлаштирилган темир йўл линиялари нафақат ҳаракатланиш тезлигини оширади, балки қатнов хавфсизлигини таъминлаб, катта миқдордаги маблағни тежаш имконини беради. Тизимда ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда иш олиб борилмоқда.

**Рустам ҲАЙДАРОВ.**

# БИЛИМ ВА ТАФАККУР ҚУДРАТИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гап шундаки, ушбу муаллиф томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларига "GPS" навигаторлар тизимини ўрнатиш туфайли уларни сунъий йўлдош орқали мониторинг қилиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу фермер хўжалиги раҳбари ёки машина-трактор парки мутахассисларига иш жойида туриб, техниканинг қайси далада эканлиги, неча гектар ерга ишлов бергани, ёнилғи сарфи каби зарур маълумотларни олиш имконини беради. Пировардида иш унуми ошади, техникалар сабабсиз тўхтаб қолишининг олди олинади. Лойиҳанинг бундай ижобий жиҳатлари Тошкент вилоятидаги фермер хўжаликларида қўлланиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Ярмарка доирасида, шунингдек, интеллектуал мулк муҳофазаси, уни баҳолаш ва трансферини ташкил этиш сингари долзарб мавзуларда илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда. Унда юртимиз олимлари қаторида иқтисодиёт тармоқлари мутахассислари иштирок этаётгани ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаяпти. Тадбирнинг иккинчи кунида "Инновацион фаолият ва мамлакат интеллектуал бойлигини ривожлантиришда ёшларнинг муҳим ўрни" мавзуига бағишланган семинар уюштирилгани бунинг тасдиғидир.

Ярмарка фаолияти давом этмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимиз агросаноат комплексининг муҳим устувор йўналишларидан бири — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги Дастурнинг амалга оширилиши нақадар катта самаралар берганлигини Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

# ЗАМИН ЗАРГАРЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, Фарғона вилоятида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелиорация объектларини реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс амалга ошириш учун 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган эди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга ишни босқичма-босқич амалга ошириш учун вилоятда 4 та ихтисослашган давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

Биринчи навбатда, шу унитар корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий машина-механизмлар, техника воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда "Ўзмелиомашлизинг" компанияси шафелигида 32 та экскаватор, 5 та бульдозер, 2 та ёқилғи қуйиш механизмлари, 2 та қувур ювиш агрегати, 12 та барча қулайликларга эга бўлган вагон-уйлар сотиб олинди. Ўтган йили эса мелиораторларнинг машина-трактор паркига турли русумдаги 15 дан зиёд замонавий агрегатлар келиб қўшилди.

Бундай кучли техника парки билан дастурда белгиланган тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. Агар 2009 йили республикамиз бўйича мелиорация дастурини бажариш учун 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, шундан салкам 12 миллиард сўми Фарғона вилоятидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига йўналтирилди.

Биргина ўтган йили бу борада белгиланган 47 та лойиҳани бажариш тўла ўзлаштирилганлиги ҳам фарғоналик замин заргарлари устувор вазифаларни адо этишга қатъий бел боғлаганлигини кўрсатиб турибди.

**Мелиорация**

Мазкур маблағнинг 5,8 миллиард сўми зовур тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларига, 6 миллиард сўми эса қуриш ва қайта ишлаш юмушларига сарфланди. Бу эса вилоятда 1300 километрдан зиёд зовур тармоқларини капитал тозалаш, 69 километр ёпиқ зовур тармоқларини таъмирлаш, 118 та назорат ҳудудларини қайтадан созлаш, 851 дона тик зах қочириш қудуғини таъмирлаш, сув ўлчаш иншоотларини мунтазам ишлашини таъминлаш имконини берди.

Маълумки, Марказий Фарғона ерлари водийнинг ўзига хос қўриғи ҳисобланади. Бу воҳа вилоят бўйича тайёрланаётган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бешдан бир қисмини етказиб бераяпти. Сир эмаски, ўтган асрнинг 80-йилларида ушбу воҳага бўлган эътибор анча сусайди. Натижада янги ўзлаштирилган ерларнинг аксарияти шўрланди. Устига-устак экин майдонларини қум барханлари боса бошлади. Давлат дастури доирасида мана шу экологик хавф-хатарнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Дастур бўйича режалаштирилган 13 та лойиҳанинг аксарият манзиллари Марказий Фарғонадан белгиланди. Шу туфайли бу манзилда 2 километр масофада янги коллектор тармоқлари қурилди, 36 километр ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари қайта тикланди, 2 та янги насос станцияси фойдаланишга топширилди, 114 та зах қочириш қудуғи ишга туширилди. Риштон ва Боғдод туманларида фойдаланишга топширилган мелиоратив насос станциялари эса ерларнинг сув таъминотини яхшилаш имконини яратди.

Бу ишлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бераяпти. Хусусан, 98 та сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги, 520 та фермер хўжалиги тасарруфидаги салкам 47 минг гектар экин майдонларининг сизот сувлари сатҳи анча пасайишига эришилди. Шуниси эътиборлики, бу мамлакатимиздаги мелиоратив ҳолати яхшиланган жами экин майдонларининг салкам 20 фоизини ташкил этади. Шунингдек, таъмирлаш-тиклаш ишлари туфайли 431 та фермер хўжалиги деҳқончилик қилаётган 38 минг гектар, 91 та фермер хўжалиги ихтиёридаги 8,4 минг гектар майдонга қайтадан ҳаёт бағишланди.

Замин заргарларининг агросаноат тизимида ишлаб чиқаришни янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш борасидаги самарали ишлари пировард натижада аҳоли дастурхонига сархил, арзон маҳсулотлар етказиб беришга хизмат қилаяпти.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 2 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1381,87 | 1 Польша злотийси | 532,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2474,67 | 1 СДР | 2360,22 |
| 1 Дания кронаси | 281,63 | 1 Туркия лираси | 996,01 |
| 1 БАА дирҳами | 419,30 | 1 Швейцария франки | 1433,12 |
| 1 АҚШ доллари | 1540,03 | 1 евро | 2160,05 |
| 1 Миср фунти | 280,57 | 10 Жанубий Корея вони | 13,29 |
| 1 Исландия кронаси | 12,00 | 10 Япония иенаси | 172,88 |
| 1 Канада доллари | 1463,77 | 1 Россия рубли | 51,42 |
| 1 Хитой юани | 225,62 | 1 Украина гривнаси | 192,74 |
| 1 Малайзия ринггити | 454,42 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Тезликни ошириш оқибати

***Мексиканинг жануби-шарқий ҳудудидаги Чьяпас штатида автобус ағдарилиб кетди.***

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида 9 киши ҳаётдан кўз юмган, 21 киши жароҳатланган. Улардан 10 нафарининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда.

Ҳалокат автобус ҳайдовчисининг айби билан рўй берган бўлиши мумкин. Полиция вакилларининг сўзларига кўра, у тезликни меъёридан оширган ва натижада уловни бошқаролмай қолган.

### Кимошдида ноёб бриллиант

***Лондоннинг "Sotheby`s" кимошди савдо уйи шу йилнинг 7 апрелида қимматбаҳо маҳсулотни сотувга қўйди.***



"The Financial Times" газетасининг ёзишича, бу гал савдо уйи вакиллари харидорларга 5,16 карат-ли ҳаворанг бриллиантни тақдим этишади. Ушбу қимматбаҳо тошнинг дастлабки баҳоси 5,8 миллион АҚШ долларига тенг.

Ташкилотчилар шу куни ўтказиладиган савдодан жами 128 миллион доллар миқдорида маблағ тушишини тахмин қилишмоқда.

### Қадимги кема қидирилади

***XV асрда хитойлик савдогарларга тегишли бўлган кема Кения қирғоқларида ғарқ бўлган эди, дейилади "Синьхуа" ахборот агентлиги хабарида.***



Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб ана шу кемани қидиришга киришилади. Бу борада Кения ва Хитой ҳукуматлари ўртасида ўзаро келишув ҳужжати имзоланган. Ушбу лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, тадқиқот ишлари Кениянинг Малинди шаҳри атрофида олиб борилади.

### Суғурта компанияси қарори

***АҚШнинг "AIG" суғурта компанияси Осиёдаги бўлимини сотди.***




Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, уни Буюк Британиянинг "Prudential" ташкилоти 35 миллиард АҚШ долларига харид қилган. Бу савдо-сотиқ ҳақидаги расмий маълумот яқин кунларда "AIG" мутасаддилари томонидан эълон қилиниши кутилаётир.

Айтиш жоизки, жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз суғурта компаниясига катта зарар келтирган. Шу боис 2008 йилнинг сентябрида АҚШ Федерал захира тизими "AIG" банкротликка учрамаслиги учун унинг 80 фоиз акциясини сотиб олганди.

### Савдо дўконлари кўпаяди

***Жаҳонга машҳур "Apple" компанияси икки йил ичида Хитойда 25 та савдо дўкони очмоқчи.***



Бу маълумот компания акциядорларининг йил якунларига бағишланган йиғилишида айтиб ўтилган. Айни пайтда Хитойда компаниянинг битта савдо дўкони фаолият юритади.

Тадбирда, шунингдек, ташкилотнинг Директорлар кенгаши қайтадан сайланган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Юртимиз бозорларида мева-чева, сархил полиз-сабзавот маҳсулотларини йилнинг истаган фаслида топиш мумкин. Нархи ҳам қиммат эмас. Бундай маъмурчиликка мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, иссиқхона деҳқончилигини ривожлантириш орқали эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.***

# ИССИҚХОНА НЕЪМАТИ

Ислоҳот

Дарҳақиқат, кейинги йилларда иссиқхоналар қуриш ва ноодатий мавсумларда маҳсулот етиштиришга давлатимиз миқёсида жуда катта эътибор қаратилмоқда. Деҳқонларга тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, енгил конструкцияли қурилиш ашёлари етказиб берилаётгани бунинг яққол далилидир. Натижада иссиқхона деҳқончилиги тобора оммалашиб бораяпти. Бу борада қўшимча имкониятлар ишга солинаётгани эса қишлоқ аҳолиси бандлигининг ошишига, турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда. Бунга карманалик тадбиркор Ориф Каримовнинг фаолияти яққол мисол бўла олади.

Тадбиркор ўтган йили 2,5 гектар ерда иссиқхона қурди ва бодринг етиштиришга киришди. Натижада 55 киши иш билан таъминланди. Улар томонидан серҳосил бодринг нави парваришланиб, 100 тонна ҳосил олинди. Бундан, энг аввало, шу ерда ишлаётганлар ва уларнинг оиласи баҳраманд бўлди. Қолаверса, бозорларда қиш мавсумида ҳам ёз неъматлари кўпайиб, аҳоли арзон нархдаги маҳсулот билан таъминланди.

Бу Навоий вилоятида 2009 йилда қурилиб, маҳсулот олинган 65 та иссиқхонадан биридир. Соҳадаги ўзгаришларни бутун республика миқёсида айтадиган бўлсак, иссиқхоналарнинг иқтисодиётимиздаги аҳамиятини тасаввур қилиш қийин бўлмайди, назаримизда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида 1029 та иссиқхона барпо этилди. Бунинг натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилиб, 585,8 гектар майдонда қўшимча маҳсулот етиштириш имкони вужудга келди. Бу маҳсулотларнинг бир қисми экспорт қилингани, айниқса, қувонарлидир.

Мутахассисларнинг айтишича, кўрсаткичлар жорий йилда янада ортади. Негаки, енгил конструкцияли иссиқхоналарда дастлабки ҳосил эрта баҳорда олинади. Муҳими, уларда замонавий технологиялар асосида муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланилаётгани учун ёқилғи тежалаяпти, бунинг эвазига харажатларнинг камайиши даромад чўғининг ошишига хизмат қилади, албатта.



*Нишон туманидаги "Хўжаёров Улуғбек" МЧЖнинг бир гектарлик иссиқхонаси ўтган йили барпо этилган. Унинг 70 сотихида парваришланаётган сабзавот экинларидан айни пайтда кунига 500 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинмоқда.*

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

Таъкидлаш керакки, қурилиш ишлари учун зарур бўлган 55855,6 миллион сўм миқдоридаги маблағнинг бир қисми, яъни, 19340,1 миллион сўми тижорат банклари томонидан молиялаштирилгани, айтиш мумкинки, бу борадаги ишларни жадаллаштириб юборди. Шу билан бирга, деҳқонлар ва ҳомийлар маблағлари ҳам ушбу мақсадларга йўналтирилди. Натижада замонавий иссиқхоналар тикланди.

Бугунги кунда бундай мўъжаз хўжаликларда нафақат полиз, сабзавот маҳсулотлари ва кўкатлар, балки ноёб гуллар, цитрус мевалари етиштириш ҳам ўзлаштирилди.

— Биз дастлаб ҳовлимизнинг бир четида лимон парваришлаб кўрдик, — дейди тўрақўрғонлик деҳқон Тиллахон Ҳамидова. — Унинг агротехникасини пухта ўрганиб, шу асосда қилган меҳнатимиз зое кетмади. Митти дарахтлар шохидаги шиғил меваларни кўтаролмай қолди. Бу ҳол ишга бўлган меҳримизни ошириб юборди. Фаолиятимизни кенгайтиришга аҳд қилдик.

Опахоннинг бу ҳаракати молия муассасасининг молиявий кўмаги билан тезда рўёбга чиқди. 15 сотих ерда иссиқхона барпо этилиб, лимон ниҳоллари қадалди. Хушхўр мевани татиб кўрган ҳамқишлоқларининг ҳам иссиқхона деҳқончилигига бўлган қизиқишлари ортди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жойларда ана шундай акс садо бериб, одамлар турмуш шароитининг юксалишига хизмат қилаётир.

**Р. САИДОВ.**

---


## ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

*CBUZ-IS2010-сонли таклиф*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**банкнинг ахборот тизимларини такомиллаштириш бўйича халқаро тендер очилиши ҳақида эълон қилади.**

**1.** Тендер ҳужжатлари тўпламини ҳар қандай ваколатли қатнашувчи қуйида кўрсатилган манзил бўйича ёзма шаклда ариза берган тақдирда, 100 (юз) АҚШ доллари миқдорида қайтариб берилмайдиган бадал тўлаганидан сўнг харид қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан қатнашувчи резидентлар миллий валютада (сўмда) Марказий банкнинг тўлов кунидаги курси бўйича юқоридаги маблағнинг эквивалент суммасини тўлашлари мумкин. Тўлов услуби — «CBUZ-IS2010-сонли тендер ҳужжатлари учун воситачилик йиғимлари» эслатмаси бўлгани ҳолда, банк жўнатмаси:

- резидентлар учун Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса марказидаги 29896000400000014036 ҳисобварағига, банк коди: 00014;
- норезидентлар учун банк ҳисобварағи: № 001 1 388345. JPMORGAN CHASE BANK, NY, 270 Park Avenue - 35th Floor New York, New York 10017, United States of America, SWIFT: CHASUS 33.

Бадал Марказий банкнинг ҳисобварағига тушгандан сўнг тендер қатнашувчисининг вакили тендер ҳужжатларини бевосита қуйида кўрсатилган манзилдан олиши ёки буюртма авиапочтаси ёхуд курьер хизмати орқали савдода қатнашиш учун аризасида келтирилган манзилга етказилиб берилиши мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳри, 100001, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 6-уй.**
**Телефонлар: (998-71) 212-61-29, 212-62-01. Факс: (998-71) 233-05-61.**
**E-mail: abdugafarov@cbu.uz**

**2.** Барча таклифлар бажарилиш кафолати билан 10 000 (ўн минг) АҚШ доллари миқдорида банк кафолати кўринишида ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк-корреспонденти томонидан чиқарилган ёки шундай банк томонидан қайтарилмайдиган, тасдиқланган аккредитив сифатида тақдим этилиши шарт.

**3.** Барча таклифлар Марказий банкнинг юқорида кўрсатилган манзилига **2010 йил 2 апрелда соат 15.00 гача** бўладиган тендер комиссияси йиғилишига тақдим қилиниши керак. Ҳужжатлар қатнашиш истагини билдирган шахсларнинг вакиллари иштирокида очилади.

**4.** Шартноманинг асосий шартлари:
*а) жиҳозлар учун тўлов АҚШ долларида амалга оширилади;*
*б) монтаж ва инсталяция ишларига тўлов миллий валюта — сўмда амалга оширилади;*
*в) барча етказиб бериладиган ускуналар ва дастурий таъминотлар халқаро стандартларга жавоб берадиган, ишлаб чиқарган давлатга хос сертификатлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти сертификатини олган бўлиши керак.*

171R/260


---

Фарғона томонларда

### ТАДБИРКОР АЁЛ ШИЖОАТИ

***Бувайда туманилик тадбиркор Зебохон Тожиматова ташаббуси билан Оққўрғон қишлоғида қаровсиз ётган бино мукаммал таъмирланиб, бу ерда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона фаолияти йўлга қўйилди.***

Ҳозир мазкур "Аҳмад Тож Ҳайдар" корхонасида замонавий тикув дастгоҳлари ёрдамида 30 хилдан ортиқ кийим-кечак тайёрланмоқда. Эллик нафар киши меҳнат қилаётган корхона ички бозорга дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулотини чиқарди.

### ЁШЛАР УЧУН ИЖОД МАРКАЗИ

***Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шуни инобатга олган Охунбобоев тумани прокуратураси хайрли ишга қўл урди.***

Қонун ҳимоячилари кўмаги билан транспорт ва йўл қурилиш коллежига қарашли фойдаланилмаётган бино қайта таъмирланиб, ёшларнинг ижод марказига айлантирилди. Ҳомий ташкилотлар ушбу мажмуани зарур жиҳозлар билан таъминлади. Ҳозир бу ерда ташкил этилган ўндан ортиқ фан тўгаракларида 500 дан зиёд ёшлар шуғулланмоқдалар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


kdb Korea Development Bank

## UzKDB Bank

**«ЎзКДБ Банк» ЁАЖ юридик шахслар учун қуйидаги турдаги хизматларни таклиф этади:**

### Миллий валютадаги кредитлар

**Муддати:**
- ***қисқа муддатли кредитлар* — 1 йилгача;**
- ***узоқ муддатли кредитлар* — 1 йилдан 3 йилгача.**
- ***фоиз ставкаси* — йиллик 13 фоиздан 18 фоизгача.**
- ***Миқдори* — 500 000 000,00 сўмдан 3 000 000 000,00 сўмгача.**

### Хорижий валютадаги кредитлар

**Муддати:**
- ***қисқа муддатли кредитлар* — 1 йилгача;**
- ***узоқ муддатли кредитлар* — 1 йилдан 3 йилгача.**
- ***Фоиз ставкаси* — йиллик 8 фоиздан 10 фоизгача.**
- ***Миқдори* — 500 000,00 АҚШ долларидан 2 000 000,00 АҚШ долларигача.**

**Изоҳ: кредитлар хорижий валютада берилишида асосий эътибор юридик шахсларнинг валютани қайтариш қобилиятига қаратилади.**

**Манзил: 100015, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 32-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 120-80-00, қўшимча: 240/241/242/243.**
**Факс: (+99871) 120-69-70.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

152R/241


---


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

**2009 — 2010 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлаш бошланганлигини маълум қилади.**

Университет битирувчилари ўз соҳалари бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш билан бирга, бир қатор хорижий тиллар ҳамда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган малакали мутахассислар ҳисобланадилар. Битирувчи бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2010 йил 25 мартгача университет раҳбариятига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Буюртмачилар университетга ташриф буюриб, бевосита битирувчилар билан учрашув ўтказишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимояларида иштирок этишлари мумкин. Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан университет веб-сайти (www.tiu.uz) «Битирувчилар» бўлимида танишишингиз мумкин.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 244-94-59, Тошкент ислом университети маркетинг хизмати бўлими, факс: (8-371) 244-94-59, 244-00-65.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100011, А. Қодирий кўчаси, 11-уй.
E-mail: tiu_marketing@mail.ru

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2009 — 2010 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВР ВА МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Вилоятлик битирувчиларнинг сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот: Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вилояти | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Диншунослик | 30 | 15 | | 2 | 1 | | | 2 | | | | 3 | 3 | 1 | 3 | 15 |
| 2. | Юриспруденция (Ислом ҳуқуқи) | 35 | 22 | | 3 | 1 | | 2 | 8 | 2 | | 2 | | 4 | | | 13 |
| 3. | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар | 38 | 38 | | 10 | 1 | 1 | | 11 | 1 | 3 | | 1 | 7 | | 3 | |
| 4. | Информатика ва ахборот технологиялари | 14 | 12 | 1 | 3 | | 1 | | 3 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | 2 |
| | **Жами** | **117** | **87** | **1** | **18** | **3** | **2** | **2** | **24** | **4** | **3** | **2** | **5** | **15** | **2** | **6** | **30** |
| | **МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Диншунослик | 6 | 3 | | | | | | | 2 | | | 1 | | | | 3 |
| 2. | Исломшунослик | 10 | 5 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | 2 | | | | 5 |
| | **Жами** | **16** | **8** | | **1** | | **1** | | **1** | **2** | | | **3** | | | | **8** |
| | **Умумий жами** | **133** | **95** | **1** | **19** | **3** | **3** | **2** | **25** | **6** | **3** | **2** | **8** | **15** | **2** | **6** | **38** |

120R/174


---


**"Росагропромснаб" МЧЖ**

## ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



17R/1788

**Маҳсулот сертификатланган.**

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

Спорт

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

***Хива шаҳрида минифутбол бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.***



Унда вилоятнинг барча туманлари жамоалари иштирок этди.

Мусобақада хивалик минифутболчилар маҳорат бобида устун эканликларини кўрсатиб, вилоят чемпионлигини қўлга киритдилар.

Ҳазорасп тумани жамоаси иккинчи, Гурлан тумани спортчилари эса учинчи ўринни эгалладилар.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

***Бухоро шаҳрида стол тенниси бўйича қизлар ўртасида "Камолот" маликаси" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ушбу беллашувларда 79 нафар қиз иштирок этди. Мусобақа якунига кўра, Бухоро педагогика ҳамда тиббиёт коллежлари ўқувчилари С. Шамсиева ва Ф. Нарзуллаева, шунингдек, Бухоро шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ш. Ғуломова совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Эндиликда ғолиблар мусобақанинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

***"Камолот" маликаси" мусобақасининг Жиззах вилояти босқичида 78 нафар мактаб ва коллеж ўқувчи қизлари ўзаро беллашдилар.***

Қизиқарли ўтган баҳсларда Жиззах туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ш. Аллабердиева ва шу тумандаги 55-умумтаълим мактаби ўқувчиси С. Абдазова ҳамда Зомин тиббиёт коллежи ўқувчиси З. Холмуродова совринли ўринларни қўлга киритдилар.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



«Наврўз – 2010»

## БАРКАМОЛ АВЛОД БАҲОРИ

Мен бугун баҳорни кўрдим...

Бир неча кундан буён қовоғи очилмаётган осмоннинг ҳавойи пўписасида, дам тиниб, дам шаррос қуяётган ёмғир томчиларида, ҳардамхаёл дарахтларнинг ўзларига-да англамсиз табассумида, бўғотлар остида қунишиб ўтирган чумчуқларнинг оний тушларида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим...

Рутубатли ҳавонинг намхуш захрини писанд қилмагандек кўкрак тугмаларини ечиб, шаҳдам одимлаётган, юракларидаги қўр юзларига кўпчиган йигитларнинг ўктам нигоҳларида, илиқ кунларни кутиб сабри чидамаган, бири-бирини қўлтиқлаганча ёмғирпўшт остида сирли қадам ташлаётган қизлар эгнидаги нафис либосларнинг енгил тебранишида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим...

Кўчаларда пўртанадек тошиб, шошиб бораётган автолар оқимидан, гўё ҳуркак отлар уюридан ажралгандек, ажралиб чиққан машина йўл четига оҳиста тўхтаганида, набирасининг жажжи қўлчаларидан тутиб, ҳайдовчи йигитни алқаганича машинага ўтирган онахоннинг нур ёғилиб турган чеҳрасида, димоғимга фақат она額лардангина тараладиган соғинч бўйи урилганида ва... шундоққина ариқ лабида сачраб чиққан майсаларнинг яшил рўйиларида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим...

У худди уятчан қизалоқлардек бармоғини тишлаганича остонада жилмайиб турибди. Ҳадемай у бўйқизлардек ифор таратиб, юракларни ўйнатиб, ақлларни ўйлатиб, нигоҳларни бўйлатиб, оппоқ либосларга бурканганича ўз намойишини бошлайди. Борлиқ уйғонади. Унинг ортидан суқланиб тикилади навқирон тераклар. Толлар шокилаларидан пойандозлар тўшайди унинг пойига. Митти офтобчалар — момақаймоқлар чамбараклар тўқийди. Мажнунтолларнинг мисранг хивчинлари умид билан барг чиқаради. Яшариш, янгиланиш фасли бошланади. Тиниқиб ухлаган куртаклар кўз очиб, юз чаядилар абри найсонга. Чучиктил боларилар севги қўшиғини бошлайди. Нам тортган ғумбаклар офтобга елка тутиб, рангин капалакларга айланади. Чумолилар зир югуриб, Янги кун билан бири-бирини қутлайдилар. Майсалар кўкка бўй чўзади. Мастона ялпизлар ифоридан сув югуради тарошланган ариқ лабларига. Кекса тутлар юзларига тушган ажинларни унутиб, ёшлигини хотирлайдилар. Бетийиқ шаббодалар бармоқ теккизиб энтиктиради дилларни. Офтобнинг заррин нурлари қўзигулларга заъфарон ранг беради, ол ранг ато этади ял-ял ёнаётган лолақизғалдоқларга.

Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнгилларга шодумонлик, қалбларга сурур, юракларга ҳузур бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк мужда келтиради. Олам янгиланади. Наврўз туғилиш демакдир, янги кун демак. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Наврўзни шундай таърифлайди: «Наврўз... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган». Улуғ бобомиз неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадқиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана шу гаплардан кейин яна неча юз йиллар ўтиб кетди. Наврўзнинг моҳияти, мазмуни, қадр-қиммати ўша-ўша.

Наврўз — зулмат ва нур тенглашган, қоронғу хотиралар қисқариб, ёруғ умидлар узайган кун.

Наврўз — миллий табиатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг ажралмас бўлаги, энг қадимий ва энг севимли байрамимиз.

Наврўз — ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси.

Баҳор нафақат оламга, балки руҳимизгада янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Дориламон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳисси тошади кўнгилларимизда. Осмонимиз мусаффо. Юртимиз тинч. Иймонимиз бут. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю томошалар, фарзандлари камолини кўриш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз Наврўзга пешвоз чиқади.

Ҳадемай олам яшилликка бурканади. Қизилқум чўлларию, Нурота тоғлари, Афросиёб адирларию, Тошкент кўчалари яшил либос кияди ҳадемай.

Осмон варраклар ва болалар қийқириғига тўлади, қизлар кафтида эзилган ўсмаларга камон қошларда қайта жон инади, фақат ўзларигина ҳис этадиган орзиқиш билан довучча терадилар юкли келинчаклар. Қўлларидан тасбеҳ, тилларидан шукроналик тушмайдиган отахонлар офтобрўй гўшаларда гурунгни бошлаб юборадилар. Ёш-яланг, қизжувон боғ-роғларга, шаффоф шабадалар рақсу само қилаётган қир-адирларга ошиқади. Қозонлар қайнайди. Аскиядан бири-бирига сабоқ бераётган йигитлар қаҳқаҳаси, сирли пичирлашган қизларнинг шодон кулгиси янграйди. Дастурхонларга баҳорнинг тансиқ неъматлари, кўксомсаю сумалаклар тортилади.

Биз юксак технологиялар, глобал ахборот асрида яшаяпмиз. Ҳар бир кун бир янгилик, бир янгиланиш билан бошланади. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бетакрор иншоотлар, равон йўллар, кўприклар, замонавий таълим муассасалари, боғ ва боғчалар, хиёбонлар, янги қишлоқлар бунёд этилмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган бундай оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб қўрини, ёшларимизнинг оташ нафасини ҳис қилишимиз мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина оғир синов ва қийинчиликларни енгишга, юксак марраларни эгаллашга қодирдир.

Баркамол авлод орзуси — олий орзу. Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида мана шу орзу мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизнинг бош омилидир.

Баркамол авлод баҳорига пешвоз чиқар эканмиз, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқлигини ҳис этамиз. Халқимиз бежизга ёшликни умр баҳорига менгзамайди.

Йилнинг қандай келиши баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, мамлакатимиз келажаги, тараққиётини навқирон йигит-қизларимиз тимсолида кўришимиз мумкин.

Наврўз нафақат табиатга ошуфталик айёми, балки ризқрўз байрами ҳамдир. Азалдан бободеҳқонларимиз Наврўз куни кўкламги юмушларга киришганлар. Ерга дон сепиб, ниҳол экишган. Ариқ-зовурларни тозалаб, боғ-роғларга шакл беришган. Куз хирмони баҳорда билинади, деган гап бор. Дарҳақиқат, Наврўз саховатли заминимиз билан, деҳқону соҳибкорларимиз меҳнати билан чамбарчас боғлиқ.

Мен бугун баҳорни кўрдим...

Кўкламнинг тансиқ неъматини татиб кўрган боболар шукронасида, момолар «омонлиқ-соманлиқ, ҳеч кўрмайлик ёмонлиқ» дея кўзларига суртган бойчечак ифорида, сизу бизга қувонч, юртимизга қут-барака, эзгулик тилаб чиққан қуёшнинг заррин нурларида кўрдим баҳорни...

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## 126 КИШИГА ЙЎЛЛАНМА

***Навоий кончилик институтига қарашли академик лицейда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида ишга жойлашишлари учун 126 кишига йўлланма берилди.***

Бандлик

Навоий шаҳар Бандликка кўмаклашувчи марказ, прокуратура ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда 76 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 259 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмарка давомида мутахассислар томонидан иштирокчиларнинг меҳнат қонунчилигига доир саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО



(3 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, туман тушади. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Бухоро вилоятининг айрим жойларида ёмғир ёғади, Навоийда ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 4-6 даража илиқ, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) мақсадида дипломларини Давлат тест марказига топширган талабгорлар учун эксперт комиссияларининг йиғилишлари ва махсус синовлар қуйидаги муддатларда ўтказилади:

**Ўзбекистон тарихи ва мутахассислик фанларидан синовлар 2010 йил 14 март, 11 апрель, 16 май ва 13 июнь кунлари Давлат тест марказида бўлиб ўтади.**

Махсус синовларда қатнашиш учун аризалар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари (синов бўладиган ҳафтадан ташқари) соат 14.00 дан 17.00 гача ДТМда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 12-уй.

Рўйхатдан ўтишда ва синовга киришда паспорт ҳамда ДТМдан берилган тилхат шахсан тақдим этилади. Рўйхатдан ўтмаганлар синовларга қўйилмайди. Махсус синовлар ўтказиладиган ҳафталарда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмайди.

**ЭКСПЕРТ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ**

| | |
|---|---|
| Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар | 2010 йил 5 март, 26 март, 30 апрель, 28 май, 25 июнь |
| Қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари | 2010 йил 25 март, 29 апрель, 27 май, 24 июнь |
| Иқтисодиёт | 2010 йил 24 март, 28 апрель, 26 май, 23 июнь |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот | 2010 йил 23 март, 27 апрель, 25 май, 22 июнь |
| Ҳуқуқшунослик | 2010 йил 22 март, 26 апрель, 24 май, 21 июнь |

**Нострификация жараёнига оид маълумотлар билан Интернетдаги қуйидаги веб-сайтимиз www.dtm.uz орқали танишишингиз мумкин. Телефонлар: (8-371) 234-46-83, 235-19-14.**

**ДИҚҚАТ!**

***2004 йилдан бошлаб сиртқи бўлимда ўқиб олинган дипломлар нострификация қилинмайди. Махсус сиртқи бўлимда ўқиган ўқитувчи талабгорларга улар хорижга ўқишга киришдан олдин ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича 3 йилдан кам бўлмаган амалий педагогик стажга эга бўлгандагина, нострификацияга рухсат берилади. Юқоридаги шартлар бажарилмаган ҳолатда талабгорлар синовга қўйилмайди ва дипломлари нострификация қилинмайди.***

163R/214

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида амалга оширилаётган ОТБ УЗБ-2380 «Қишлоқ мактабларида умумий ўрта таълимни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи**

***Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида тренинглар ўтказиш учун маҳаллий консалтинг компанияси танлови бошланишини эълон қилади.***

Танловнинг биринчи босқичида иштирок этиш учун компаниялар қатнашиш истагини ОТБнинг стандарт шаклида билдиришлари лозим.

Техник вазифалар ва қатнашиш истаги шаклини олиш учун http://www.adb.org ёки uzb-2380@inbox.uz манзилига мурожаат қилиш мумкин.

***Ҳужжатлар 2010 йил 3 мартдан 2 апрелгача қабул қилинади.***

170R/118




Alliance Insurance

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш**



**Келажагингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй.
Телефон: 120-71-00, факс: 120-70-01.
www.a-insurance.uz

**Ташкилот**

янги бўлмаган, яхши ҳолатдаги «ЗИЛ-157» русумли автомобиллар, «ГАЗ-71» русумли, занжирли, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган машина (вездеход), шунингдек, занжирли чопиқ тракторларини

**сотиб олади.**



Телефон: (+998 90) 357-84-85.
Факс: (+998 71) 233-59-08.

157R/231


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари Тиббий билим асослари кафедраси мудири Махферуза Акбаровага онаси

**ШАКАРХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 63895 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5